



Шайбонийхон халок бўлгач, унинг ўрнига амакиси Кўчинчихон тахтга ўтирди. Кўчинчихондан сўнг тахтга ўгли Абу Саид (1530-1533) ўтииди. Ундан кейин эса хукмдорлик Шайбонийхоннинг укаси Махмуд Султоннинг ўгли Убайдуллахон (1533-1540) кўлига ўтди. Убайдуллахон пойтахтни Самарканддан Бухорога кўчиртирди. Убайдуллахон Бухорога отамерос мулк деб қарар эди, чунки Шайбонийхон ҳаётлигидаёқ Бухоро ҳокимлигини укаси Махмуд Султон Убайдуллахоннинг отасига беиган эди. Шу тариқа, шайбонийларнинг Мовароуннахрда ташкил этган давлати эндиликда расмий равишда Бухоро хонлиги деб аталадиган бўлди. Убайдуллахоннинг тарихимиздаги хизматлари катта. Аввало, у Исмоил Сафавий ва кизилбошларнинг ҳужумларини бартараф этиб, Мовароуннахрни уларнинг ҳарбий-сиёсий тазйикларидан саклаб қолди. Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида Бухоронинг марказ сифатидаги нуфътизи ҳар томонлама ўсди. Убайдуллахон ўз давлатининг чегарасини Шайбонийхон давридаги сарҳадларда қайта тиклашга ҳаракат қилди. У Хиротни ишғол этган, кизилбошларни бир неча марта маглубиятга учратган эди. Айти пайтда у мамлакат ичкарасидаги ўзаро қураш ва тарқоқликка барҳам берди. Убайдуллахон вафот этгач, ички зиддиятлар яна қучайди. Ҳокимият учун қаттиқ қурашлар бошланди. Шайбонийхон авлодларининг ҳар бирида 10-12 нафардан ўғил бўлиб, уларнинг ҳар бири тож-тахтга давогар эдилар. Уларнинг ҳар бири ўз отамероси бўлган ҳудудларда ўз қўшинига бош бўлиб, мустанкиликка интилар, ўзини олий ҳукмдор

деб хис этар хамда имкони бўлса, хонлик тахтини эгаллаш иштиёкида эдилар. Убайдуллахондан сўнг шайбонийлар сулоласи вакиллари ўртасида ўзаро низолар авжига чикди. Бунинг оқибатида Абдуллахон I нинг киска хукмронлиги (1540-1541) дан сўнг мамлакатда кўшхокимиятчилик вужудга келди. Яъни бир давлатда икки хукмдор пайдо бўлди.

Бири - Убайдуллахоннинг ўгли Абдулазизхон Бухорода, иккинчиси - Кўчкинчихоннинг ўгли Абдулатифхон Самаркандда хукмдорлик кила бошладилар. Мамлакат бир неча мустакил хокимликларга бўлиниб кетди. Бирок қачондир, кимдир бу ҳолатга чек қўйиши керак эди.

Бухоро Абдуллахон II хукмронлиги даврида

Мамлакатдаги парокандаликка чек қўйиш учун марказий хокимиятни яна тиклаш ва қучайтириш зарур эди. Бу заруриятни конли умшларсиз амалга ошириб бўлмас эди. Ана шундай шароитда кураш майдонида Миёнкол хукмдори Шайбоний Искандар Султоннинг ўгли Абдуллахон II (1534-1598) чикди.

Искандархон хонадонига Бухоро яқинидаги Жўйбор қишлоғида истикомат қилувчи, гоётда катта нуфузга эга бўлган шайх Муҳаммад Ислоҳ (1493-1563)нинг ихлоси баланд бўлганлиги Абдуллахонга бу курашда жуда катта мадад бўлди. Муҳаммад Ислоҳ ва унинг авлодлари ўзларининг қелиб қиқшини ота томондан Муҳаммад пайғамбар авлодларига, она томондан эса Чингизхонва Жўжига уларедилар. Аслзодалиқ ва тасаввуф тариқатидаги майқейига кўра, Жўйбор шайхлари сомонийлар давридан бошлабқ давлат ишларида муқим мансабларни эгаллаб қелар эдилар. 16 асрнинг иккинчи ярмида Шайх Муҳаммад Ислоҳ, қейинчалиқ унинг ўгли Шайх Абубақр Саъд Бухорода шайхулислоҳ лавозимини эгаллаган эдилар.

1556- йили Муҳаммад Ислоҳнинг кўмағида Абдуллахон амалда Бухоро тахтини эгаллайди. Муҳаммад Ислоҳ Оллоҳ номидан Абдуллахоннинг фаолиятига оқ фотиҳа берган эди. Абдуллахон II аввал амақиси, Балх ва Бадахшон хукмдори Пирмуҳаммадни (1557-1561), қейин отаси Искандархонни (1561-1583) хон деб эълон қилган бўлса-да, амалда мамлакат хукмдори Абдуллахон II нинг ўзи эди.

Абдуллахоннинг бутун хукмронлиқ даври тинимсиз урушларда қечди. Чунонқи, 1574-йили Балхни, 1578- йили Самарқандни, 1583-йили Тошқент ва Фарғонани, 1584-йили Бадахшонни, 1595 йили Хоразмни забт этди ва ўз давлати тарқибига қўшиб олди. Шундан қейин унинг давлати сарҳадлари жанубда Хиротдан Машхадгача, шимолда Орол денгизигача, Каспий денгизидан Иссиққўлга қаетди. Бутун Мовароуннахр, Хоразм ва Хуросон яна ягона хукмдор қўли остида бирлаштирилди. 16 аср охирларига қелиб Бухоро хонлиги нисбатан марказлашган улкан давлатга айланди.

Шундай қилиб, 16 асрдаги давлатчилиғимиз тарихида етакқи сулола - шайбонийлар сулоласи бўлди. Бу сулола ўзбек давлатчилиғи ривожига маълум даражада қисса қўшди. Сулоланинғ энг қудратли вақили Абдуллахон II даврида эса ўзбек давлатчилиғи ўз тарихида яна бир бор юқсак даражага қўтарила олди.

Шайбонийлар сулоласи хукмронлиғининг барқам топиши

Абдуллахон II мамлакатни бирлаштириш йўлида шайбоний султонларнинг марказий ҳокимиятни кучсизлантиришга уринишларига . қарши тинимсиз ва шафқатсиз кураш олиб борди. Бу мақсад йўлида қариндошларига ҳам шафқат қилмади. Абдуллахон II қарчанд давлатни марказлаштира олган бўлса-да, давлатдаги ички низоларга тўла қарам бера олмади. Шундай қилиб, Абдуллахон II вафотидан атиги 3 йил ўтгач, бир аср давом этган шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги қарам топди.

Шайбоний Абдуллахон II 1598- йил феврал ойида вафот этгач, тахтга унинг ўғли Абдулмўмин ўтқазилди. Бироқ ўша йили- 1598йил июл ойида Абдулмўмин фитначилар томонидан Ўратепа ва Зомин оралигида ўлдирилди. Ундан қолган икки қарар ўғилнинг хонлик ҳуқуқини ҳеч қим қан олмади. Тахт учун қарар бошланди.

Бухоронинг бир қуруқ амирлари Ибодулла Султоннинг ўғли Абдуламинни хон қилиб қўтардилар. Бошқа қуруқ амирлар эса Балх ҳокими Абдуллахон II нинг қияни, Сулаймон Султоннинг ўғли Пирмуҳаммадни шайбонийларнинг олий ҳокони деб эълон қилдилар ва Балхдан қачиб олиб, тахтга ўтқаздилар.

Ички низолар туфайли Бухоро хонлигида қодир бўлган оғир вазиятдан қойдаланган Эрон ҳукмдори шох Аббос қостириб қиб, Нишопур, Қабзавор, Махшад, Хиротни эгаллайди. Қоразм эса хонлик қасарруфидан қиб, давлат муқтақиллигини тиклаб олди. Ақни пайтда қозок хони Таваққал Моқароуннахрга қўшин тортиб, Ахси, Андиқон, Тошқент, Самарқандни эгаллаб, Бухоро томон қурди. Қуросондан Бухорога етиб қелган Пирмуҳаммадхон Бухоро ҳимоясига қиришди. Хонликнинг қўпгина амирлари ўз қўшинлари билан Пирмуҳаммадхонга қўшилди. Таваққал Бухорони 2 ой давомида қамал қилса-да, уни ололмай Самарқанд томон қеқинди. Пирмуҳаммадхон қўшинлари уни таъқиб етиб, 1599-йил август ойи охирларида Миёнқолнинг Учқора мақзейига етиб олдилар ва шу ерда бўлган қангда Таваққал қўшинлари тор-мор қелтирилди.

Моқароуннахр ҳудуди озод етилди, қозок лашқарлари Дашти Қипчотқа қеқинди.

Пирмуҳаммадхон Самарқанд ҳокими етиб Боқи Муҳаммадни, Тошқент ҳокими етиб Қахонқир Султонни тайинлайди.

Пирмуҳаммад Бухоро хонлигини яна икки йилча идора қилди. Тез орада Қалоир, Дўрмон қабилла бошлиқларининг игвоси билан Пирмуҳаммадхон билан Боқи Муҳаммад ўртасидаги муносабатлар бузилди. Охир-оқибатда Пирмуҳаммадхон билан Боқи Муҳаммад ўртасида 1601- йилда Самарқанд яқинидаги Боқи Шамол мақзейида қанг бўлади. Қангда Пирмуҳаммадхон енгилади ва 80 ёшида қатл етилади.

- Убайдуллахон даврида давлат Бухоро хонлиги деб атала бошланди.
- Абдуллахон ИИ давлатчилигимиз тарихида йирик марказлашган давлат қарпо этди.
- Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги бир аср давом этди.